17 АПР 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 85 (5376).
13 АПРЕЛЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Бельгия Социалистик партияси (Франкофони) раҳбарлигининг аъзоси Андре Коолс бошчилигидаги шу партия делегацияси республика ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар.

Андре Коолс ва делегациянинг бошқа аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, Ўзбекистон ССР Министрлар Советида қабул қилиндилар.

● Тошкентда СССР ва Германия Федератив Республикаси иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлик комиссияси банк ва молия масалалари билан шуғулланувчи экспорт группасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

КЕЧА МОСКВАДА ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТУГАЛЛАДИ.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Совет жамиятининг куч ва қудрати манбаи—партия билан халқнинг бирлигидадир. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг иши буни яққол тасдиқлади. Сессия жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларига хос бўлган ижодий юксалиш ва юксак талабчанлик руҳини, омманинг меҳнат ва ижтимоий активлиги ўсиб бораётганлигини, уларнинг коммунистик бунёдкорликнинг янги-янги марраларини эгаллашга шайлигини акс эттирди.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлигини якдил маъқуллаб кутиб олдилар. Улар К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети апрель Пленумида ва СССР Олий Советининг сессиясида сўзлаган нутқларидаги қоидалар ва хулосаларни партиянинг накази сифатида қабул қилдилар.

Депутатлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларини халқ манфаатларини ва коллектив тажрибасини ифодалаган ҳолда ўз мамлакатининг чинакам хўжайинлари позицияларида туриб муҳокама қилдилар.

12 апрель куни ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Советининг Раиси **А. Э. Восс** мажлисга раислик қилади.

СССР Министрлар Советини ташкил этиш масаласи юзасидан СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. А. Тихонов**га сўз берилади.

СССР Олий Советининг топшириғига биноан Н. А. Тихонов КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Советининг партия группаси тасдиқлаган СССР Министрлар Совети составини: СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, министрлар, СССР Давлат Комитетларининг раислари ва СССР бошқа марказий идораларининг раҳбарлари, шунингдек иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг раислари (улар СССР Конституциясининг 129-моддасига мувофиқ вазифалари жиҳатидан СССР Министрлар Совети составига кирадилар) лавозимларига номзодларни сессия муҳокамасига тақдим этади.

СССР Олий Совети СССР ҳукумати —СССР Министрлар Совети составини бир овоздан тасдиқлайди.

СССР Министрлар Советининг келгусидаги фаолияти тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. А. Тихонов**га сўз берилади. Совет ҳукуматининг баёноти зўр эътибор билан тингланиб, бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Олий Совет ички ва ташқи сиёсат соҳасида СССР Министрлар Советининг келгусидаги фаолияти асосий йўналишларини маъқулловчи қарорни бир овоздан қабул қилди.

Сўнгра Олий Совет умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат **Г. А. Алиев** доклад қилди.

Сўнгра музокаралар бошланди.

Украина меҳнаткашлари, деди Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. Ф. Ватченко**, ислоҳот лойиҳасини муҳокама қилишда фаол қатнашдилар. Уларнинг кўпгина таклифлари лойиҳани поёнига етказишда қабул қилиниб, жойлардаги амалий ишда ҳозирдаёқ ҳисобга олинмоқда. Бироқ, деб таъкидлади депутат, олдимизда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик органларининг, меҳнат коллективлари, оила билан мактабнинг биргаликдаги куч-ғайрат сарфлашини тақозо этадиган катта ва анча мураккаб ишлар турибди.

Мактаб ва ёш авлодни тарбиялаш проблемалари, деб таъкидлади РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Л. Б. Ермин**, ҳамиша партия билан давлатнинг диққат марказида турибди.

Нотиқ умумий таълим ва ҳунар мактабини такомиллаштириш соҳасида ҳозир республикада қилинаётган ишларга батафсил тўхталди. У умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида қарор қабул қилиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Ленинграддаги 90-ҳунар-техника билим юртининг мураббий-инструктори депутат **Б. А. Журавлев** Ленинград қурилиш индустриясининг корхоналари учун кадрлар тайёрлаётган билим юртининг иши тўғрисида гапириб берди. У умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш лойиҳасини маъқуллаб, унинг фикрича, қўшимча равишда ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча проблемаларга тўхталди. Жумладан, деб уқтирди у, ҳунарларнинг ягона рўйхатини тузиш, билим юртларини битириб чиқувчилар учун малакали ишчининг ягона давлат дипломини белгилаш зарур.

СССР Композиторлар союзи правлениесининг секретари депутат **Д. Б. Кабалевский** ўтказилаётган мактаб ислоҳоти ғоят ўз вақтида қилинаётган иш эканлигини таъкидлади. У мактаб ислоҳоти тўғрисидаги ҳужжатнинг узил-кесил текстида санъатнинг эстетик қимматигина эмас, шу билан бирга унинг зўр тарбиявий, ғоявий ва аҳлоқий кучи, жамият турмушидаги ўзгартирувчилик роли таъкидлансин, деган истакни билдирди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **В. М. Мишин** ислоҳот лойиҳаси кенг муҳокама қилинганлигини уқтириб ўтди. Йигит ва қизлардан 90 мингдан кўпроқ конкрет таклиф, мулоҳаза ва тавсиялар тушди.

Нотиқнинг фикрича, ўрта умумий таълим мактабининг уставида ва ўқувчилар учун қоидаларда, комсомол ва пионер ташкилотларининг, ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органларининг ўқувчилар коллективлари турмушидаги роли ва ўрнини тўлиқроқ ҳамда аниқроқ акс эттириш зарур.

Тбилисидаги И. Чавчавадзе номли ўрта мактаб ўқитувчиси депутат **И. В. Лагидзе** болаларни олти ёшдан ўқитиш соҳасида Грузияда орттирилган дастлабки тажрибани гапириб берди. Республиканинг умумий таълим мактаблари, деди у, мактаб ислоҳотини келгуси ўқув йилиданоқ амалга оширабошлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Мактабни ислоҳ қилиш турмушимизнинг энг муҳим ва энг зарур масалаларидан бири бўлганлиги сабабли, деди Қозоғистон Компартияси Кўкчатов область комитетининг биринчи секретари депутат **О. С. Куанишев**, унинг муҳокамасига совет халқининг кенг табақалари зўр қизиқиш билан қарадилар. Биз, деб сўзини давом эттирди у, тарбиявий ишга, айниқса меҳнат тарбиясига эркак педагогларни активроқ жалб қилишимиз, устахоналар, таълим-ишлаб чиқариш комбинатлари, ўқув цехлари ва дала шийпонлари барпо этиш учун базавий корхоналарнинг масъулиятини аниқ белгилаб қўйишимиз керак.

Шу билан доклад юзасидан ўтказилган музокаралар тугади.

СССР Олий Совети «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Сессия СССР Халқ контроли комитетини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ўтади.

КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **Е. К. Лигачев**га сўз берилади. У СССР Халқ контроли комитетини 19 кишидан иборат қилиб тузиш тўғрисида партия группаси ва палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари қўллаб-қувватлаган таклифни киритди. Ўртоқ А. М. Школьников СССР Халқ контроли комитетининг раиси лавозимига тавсия этилади.

СССР Олий Совети **А. М. Школьников** раислигида СССР Халқ контроли комитетининг составини бир овоздан тасдиқлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** СССР Олий судини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан сўзга чиқди. У СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий суди унинг раиси, раиснинг икки ўринбосари, 17 аъзо ва 45 халқ маслаҳатчисидан иборат қилиб сайлаш тўғрисида Олий Советнинг партия группаси ва палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари маъқуллаган таклифни киритганлигини маълум қилди. СССР Конституциясининг 153-моддасига мувофиқ иттифоқдош республикалар олий судларининг раислари лавозимларига кўра СССР Олий суди составига кирадилар. Ўртоқ В. И. Теребиловни СССР Олий судининг раиси қилиб сайлаш таклиф қилинади.

СССР Олий Совети **В. И. Теребилов** раислигида СССР Олий судини бир овоздан сайлайди.

Кун тартибининг навбатдаги масаласи— СССР Бош прокурорини тайинлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **Б. Н. Пономарев**, сўзга чиқди. Ўртоқ А. М. Рекунковни СССР Бош прокурори қилиб тайинлаш таклиф этилади, деди у. Бу таклифни СССР Олий Советининг партия группаси ва палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари маъқуллаган.

А. М. Рекунковни СССР Бош прокурори қилиб тайинлаш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул этилади.

Сессия кун тартибига қўйилган масалалар кўриб бўлинди. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ёпиқ деб эълон қилинади.

(ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КЕЛГУСИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТИ

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Олий Совет тасдиқлаган СССР ҳукумати номидан билдирилган ишонч учун самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳукумат партия билан халқ олдидаги, мамлакат давлат ҳокимияти олий органи олдидаги юксак масъулиятини тўла-тўкис англаган ҳолда Конституциянинг СССР Министрлар Совети тўғрисидаги қонуни унинг зиммасига юклаган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади.

СССР Министрлар Советининг бутун фаолияти жамиятимиз ривожланишининг бош истиқболини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб бераётган унинг раҳбар кучи—Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча йўлини амалга оширишга қаратилади.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари партия сиёсий йўлининг давомийлиги ва изчиллигини намойиш қилди. Бу йўл халқнинг туб манфаатларига батамом мос бўлиб тушмоқда, халқ уни якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда.

Олий Советга ўтказилган сайлов, коммунистлар билан партиясизлар блокининг барча номзодлари давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари этиб сайланганлиги партия билан халқ бузилмас бирлигининг яққол далили бўлди.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ғоят якдиллик, жипслик ва зўр жўшқинлик вазиятида ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Константин Устинович Черненко бир овоздан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланганлиги унинг партия билан совет халқи олдидаги буюк хизматлари, коммунистик бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишга, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашга у қўшган ғоят катта шахсий ҳиссанинг эътироф этилишидир.

Константин Устиновични давлатнинг мана шу олий лавозимига сайланганлиги билан Совет ҳукуматининг барча аъзолари номидан сидқидилдан муборакбод этишга ва совет халқи манфаатлари йўлидаги кўпқирралм фаолиятида унга катта-катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Олий Совет Президиуми составига сайланган барча кишиларни ҳам табриклашга рухсат бергайсиз.

Депутат ўртоқлар! Ҳукумат КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига, Константин Устинович Черненконинг Марказий Комитет Пленумлари ва СССР Олий Советининг ушбу сессиясида сўзлаган нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, ўз фаолиятини ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг катта вазифаларини амалга оширишга, унинг имкониятлари ва афзалликларидан яна ҳам тўлиқроқ фойдаланишга қаратади, мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга эришиш учун ҳаракат қилаверади.

Ҳукумат совет халқи фаровонлигини ошириш, фан, маданиятни юксалтириш, соғлиқни сақлаш, маориф системасини такомиллаштириш, шахсни ҳар томонлама уйғун камол топтириш учун тобора қулай шароитларни вужудга келтириш соҳасидаги тадбирларни амалга оширади.

Ҳукуматнинг фаолияти социализмнинг улуғ ғалабаси — халқлар ленинча дўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилади. Биз партия миллий сиёсатининг туб принципларига ҳамиша амал қилаверамиз, мамлакатимизда ҳар бир миллатни равнақ топтириш, ҳар томонлама ривожлантириш бизнинг бутун кўп миллатли улуғ Ватанимизни юксалтириш ва равнақ топтиришнинг шарти эканлигига асосланаверамиз.

Совет ҳукумати халқаро вазиятни ҳисобга олиб, мамлакатнинг мудофаа қудратини, шавкатли Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаверади. Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг қурол-яроғлари ва техникавий жиҳатдан таъминланиши, уларнинг жанговар қудрати энг замонавий даражада бўлиши учун барча зарур ишларни қилаверади.

Ҳукуматнинг ташқи сиёсий фаолияти халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга, инсониятни ядро уруши хавфидан халос этишга, Совет Иттифоқи, қардош социализм мамлакатларининг халқлари банд бўлган тинч қурилиш учун қулай ташқи шароитларни таъминлашга қаратилади.

Совет ҳукуматининг бутун амалий иши мана шу илҳомбахш мақсадларга эришишга муттасил бўйсундирилади.

Экономикага раҳбарлик қилиш, унинг жўшқин юксалишини, ҳар бир иттифоқдош республиканинг яхлит халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришни, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсив ривожланиш йўлига қатъият билан ўтказишни, совет кишилари кўпгина авлодларининг қаҳрамонона меҳнати билан вужудга келтирилган жамики ишлаб чиқариш ва илмий потенциалдан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳукумат фаолиятининг бош йўналишларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошириш туфайли турмушимизга сингиб кетган ва яққол кўриниб турган ўзгаришларни биз ҳаммамиз мамнуният билан қайд этамиз. Иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда жадаллашди, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди, интизом мустаҳкамланди. Аммо талайгина ҳал этилмаган масалалар, танг жойлар, фойдаланилмаган резервлар қолди. Ҳукумат шу проблемаларни кўриб турибди, мавжуд камчиликларни бартараф этишга эришиш учун ҳаракат қилмоқда. Ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шу йилги планни ва умуман ўн биринчи беш йиллик планни муваффақиятли бажариш — бизнинг биринчи навбатдаги энг яқин вазифамиздир.

Барча хўжалик бўғинлари—министрликлар ва идоралар, республика органлари ва маҳаллий органлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар юксак даражада уюшқоқлик, ишчанлик ва масъулиятни ҳис этиш намуналарини кўрсатишлари керак. Иш вақтидан, ишлаб чиқариш қувватларидан ҳамма жойда тўлиқ фойдаланилишига, моддий ресурслар тежаб сарфланишига, маҳсулот сифатининг оширилишига эришиш зарур. План топшириқларини, қабул қилинган мажбуриятларни ва аввало меҳнат унумдорлигини қўшимча равишда ўстириш ҳамда таннархни арзонлаштириш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш —барча совет ва хўжалик органларининг, ҳар бир меҳнат коллективининг энг биринчи бурчидир.

Планли экономика шароитида шу беш йиллик вазифаларини ҳал этишни келажак тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ажратиб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда ҳукумат 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосий йўналишлари лойиҳаси устида ишламоқда. Мамлакатимиз учинчи минг йилликка қадам қўядиган экономиканинг асосий белгиларини аниқлаш лозим бўлади. Ҳозирча тайёрланаётган таклифларнинг конкрет мазмуни тўғрисида гапиришга вақт бор.

Аммо бир нарса равшан— гап мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, меҳнат унумдорлигини тубдан ўстиришга эришиш ва шу асосда совет кишиларининг турмуш даражасини анча юксалтириш, уларнинг моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирилишини таъминлаш тўғрисида боради.

Биз ўн иккинчи беш йилликни шакллантиришга айни мана шу позицияларда туриб ёндошмоқдамиз. Шу беш йиллик узоқ муддатли бутун истиқболни белгилаб бериши, ишлаб чиқаришда сифат жиҳатдан чуқур ўзгаришларни бошлаб бериш ва у фан-техника тараққиётини анча жадаллаштириш, мамлакат ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, меҳнат қуролларининг техникавий даражаси ва сифатини ошириш негизида ишлаб чиқаришни интенсивлашдаги ҳал қилувчи бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши керак.

Партия Марказий Комитети билан ҳукумат кейинги вақтларда бу соҳада бир қанча муҳим қарорлар қабул қилдилар, бироқ асосий иш ҳали олдинда турибди. Фан-техника тараққиётининг ишлаб-чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, уни саноат роботлари билан кўплаб таъминлаш, эпчил автомат системаларини жорий этиш, электрон техникадан кенг фойдаланиш, янги конструкция материалларини қўлланиш каби ғоят муҳим йўналишларига эътибор кучайтирилади.

Халқ хўжалигининг тармоқ структурасини такомиллаштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Фан-техника тараққиёти суръатларини белгилаб берувчи тармоқларнинг илдам ривожлантирилишини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Илғор илмий-техникавий ғояларни машина ва ускуналарнинг янги туркумларида мужассамлаштириши лозим бўлган машинасозликнинг ролини ошириш керак. Машинасозлик комплекси замонавий экономиканинг, уни муттасил ва самарали ривожлантиришнинг етакчи бўғини бўлиб қолиши, бутун халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантиришга актив таъсир ўтказиши лозим.

Саноатнинг металлургия ва химия каби база тармоқларини янада ривожлантириш ҳамда техника билан қайта таъминлаш ишида бизнинг олдимизда катта вазифалар турибди. Энергетика программасига мувофиқ мамлакатнинг ёқилғи-энергетика хўжалиги ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.

Хом ашё, материалларни, ёқилғи ва энергияни тежаш, ресурсларни иқтисод қиладиган ва чиқитсиз технологияни кенг қўлланиш, иккиламчи ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш биринчи даражали муҳим иш бўлиб қолмоқда. Ўн иккинчи беш йилликдаёқ миллий даромаднинг энергия ва металл сарфи сезиларли равишда пасайтирилишига эришиш лозим.

Министрлар Совети капитал қурилишини такомиллаштириш борасидаги ишни давом эттиради. Бу борада баъзи ижобий тенденциялар бор. Капитал маблағлар тарқоқлигига тамомила барҳам бериш, объектлар қуриш муддатларини қисқартириш ва битмаган қурилишлар даражасини нормативга қадар келтириш керак. Ишлаб турган корхоналарни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга капитал маблағларнинг тобора кўп қисми сарфланади.

Ҳар қачонгидек ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга, барча иттифоқдош республикалар экономикасини янада юксалтиришга биринчи даражали аҳамият берилади. Территориал ишлаб чиқариш комплекслари планли ривож топади. РСФСР Ноқоратупроқ зонасини ривожлантириш программасини амалга ошириш давом эттирилади. Байкал-Амур магистрали зонасида табиий бойликларни ўзлаштиришга доир катта кўламли ишлар авж олдирилади.

Ҳукумат транспорт ишини яхшилаш, моддий-техника таъминоти системасини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш инфра структураси барча тармоқларини ривожлантириш борасида бир қанча қўшимча чоралар кўришни мўлжалламоқда Бутун халқ хўжалигининг уюшқоқлиги, пировард натижада эса унинг ишлаш самарадорлиги кўп жиҳатдан шу тармоқлар фаолиятининг сифатига боғлиқ.

Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини тараққий эттириш борасидаги катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш бошқариш такомиллаштирилишини тақозо этади. Экономикага раҳбарлик системаси ва методларини халқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабларига мувофиқлаштиришга имкон берувчи ўзаро боғлиқ бутун бир комплекс тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш вазифаси турибди.

Бу ишни кечиктириб бўлмайди, зеро мамлакат ўн иккинчи беш йилликни хўжалик механизми яхши йўлга қўйилган ҳолда кутиб олиши керак. Янгича ёндошиш ва қабул қилинадиган қарорлар ҳар томонлама ўйлаб чиқилган бўлиб, амалда синчиклаб текширувдан ўтказилиши керак, албатта. Шу мақсадда бир қанча иқтисодий экспериментлар ўтказилади.

Демократик централизм иккала асосларини ривожлантириш ҳукумат амал қилиб келган ва бундан буён ҳам амал қиладиган энг муҳим ишдир. Марказлашган раҳбарликни мустаҳкамлаш маҳаллий органлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг хўжалик жиҳатидан мустақиллиги ва ташаббуслари кенгайтирилиши, пировард иш натижаларидан уларнинг манфаатдорлиги ва масъулиятини кучайтириш билан қўшиб олиб борилади.

Бугунги кунда уюшқоқлик ва тартиб, қатъий интизом ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ нарсадир. Ҳукумат марказий давлат аппарати амалий, ижодий раҳбарлик услубининг намунасини кўрсатиши керак, деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда партия ва ҳукумат ходимларидан янгиликни вақтида пайқаш, бошланган ишни охирига етказиш, бюрократчилик, маҳкамачилик, маҳаллийчиликка қарши қатъий кураш олиб бориш, партия ва ҳукумат директивалари сўзсиз бажарилишини таъминлаш талаб этилади.

Депутат ўртоқлар!

Социалистик экономиканинг тараққиёти пировард натижада ленинча партиямизнинг юксак ва олижаноб мақсадлари — халқ ҳаёти ҳамма томонларини яхшилашга бўйсундирилган.

Аҳолининг ўсиб бораётган ҳилма-ҳил эҳтиёжларини қондиришга ажратиладиган ижтимоий ресурслар йил сайин кўпайиб бормоқда. Совет кишиларини моддий жиҳатдан тобора юксак даражада таъминлаш ва маданий-маънавий турмуш даражасини тобора баркамол қилиш бундан буён ҳам давлат маблағларидан фойдаланишда асосий йўналиш бўлиб қолади.

Ҳукумат Озиқ-овқат программасини бажариш учун, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни изчил яхшилаб бориш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилади.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дон, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни, агросаноат комплекси барча тармоқларини жадал ривожлантириш, унга сарфланган маблағлар самарадорлигини ошириш борасида бундан буён ҳам кўп куч-ғайрат сарфлашимиз зарур.

Қишлоқни социал қайта қуриш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Шу масалалар республика ва маҳаллий органларнинг, тегишли министрликлар ва идораларнинг диққат марказида туриши керак.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат системасини ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиш ва уни муваффақиятли амалга ошириш ҳам катта аҳамиятга молик вазифадир. Кейинги йилларда бозорни саноат моллари билан тўлдиришда маълум силжишлар рўй берди. Маиший хизматнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Аҳолининг бўш вақти ва дам олишидан оқилона фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Совет кишиларининг маданият даражаси, даромадлари ва моддий таъминоти ўсиб бораётган шароитда аҳолига таклиф этилаётган моллар ва хизматлар сифати ҳамда хилларини яхшилаш вазифаси тобора олдинга қўйилмоқда. Бу вазифа марказда ва жойларда хўжалик органларининг фаолиятида катта собитқадамлик ва матонатни талаб қилади.

Аҳолини шинам уй-жойлар билан таъминлаш, шаҳар ва коммунал хўжалигини, жамоат транспортини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари доимо ҳукуматнинг диққат марказида турибди.

Давлат соғлиқни сақлаш системасини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолига медицина хизмати сифатини ошириш, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳаётининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш чоралари амалга оширилади.

Болалар тўғрисида, ёш авлод тўғрисида илгари бўлиб келганидек бундан буён ҳам муттасил ғамхўрлик қилинади. Умумий таълим ва ҳунар мактабининг ислоҳ этилиши бунинг янги далилидир. Ислоҳотнинг асосий мақсади ёшларнинг билим сифати ва гражданлик таълим-тарбия сифатини оширишдан уларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилашдан иборатдир.

Ҳукумат совет кишиларини маънавий ва эстетик руҳда тарбиялаш, маданият ва санъатни ривожлантириш учун маънавий бойликларни кўпайтириш ҳамда улардан кенг кўламда фойдаланишга ёрдам беради.

Ҳукуматнинг социал соҳадаги барча фаолияти ҳамма гражданларга жамият фаровонлиги йўлида ўз қобилиятларини ривожлантириб бориши ва намоён этишига янада кенгроқ имкониятлар яратишга қаратилган. Бу гап ҳар бир совет граждани дарҳақиқат ўз қобилиятига яраша меҳнат қилиши кераклигини билдиради. Биз меҳнатга яраша ҳақ тўлаш принципини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб, қилинган ишни якка ва коллектив тақдирлаш шаклини такомиллаштираверамиз.

Турмуш неъматларини тақсимлаш ҳамиша ва ҳар ишда социалистик адолат талабларига, совет турмуш тарзимизнинг меҳнат характерига қатъий мувофиқ бўлиши керак.

Партия билан давлатнинг социал иқтисодий сиёсатини изчил амалга ошириш ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлида совет жамиятини ҳар томонлама тараққий эттиришни таъминлаш имконини беради.

Депутат ўртоқлар!

Коммунистик партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати ўзларининг ташқи сиёсий фаолиятида доимо халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги тўғрисидаги ғамхўрликка, социализмнинг юксак принципларига амал қилиб келмоқдалар.

«Ленинча тинчлик сиёсати, деб таъкидлади Константин Устинович Черненко, совет халқининг, қолаверса дунёдаги бошқа халқларниг ҳам туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Бу сиёсатнинг ҳозирги тарихий босқичдаги асосий жиҳатлари КПССнинг кейинги съездлари қарорларида белгилаб берилган эди. Зотан биз шуни қатъий қилиб айтамизки, бу сиёсатдан биз бир қадам ҳам чекинмаймиз».

(Давоми 2-бетда)

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КЕЛГУС ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТ

(Боши 1-бетда).

Ўтган йил охирида СССР Олий Совети дунёдаги вазият агрессив империалист кучларнинг айби билан ғоят кескинлашиб кетганлиги сабабли жиддий хавотирлик билдириб, ҳукуматга давлатимиз билан унинг иттифоқчилари хавфсизлигини таъминлашга, халқаро вазиятни яхшилик томон ўзгартиришга олиб борадиган зарур тадбирларни бундан буён ҳам амалга ошира боришга қаратилган йўлни давом эттиришни топширган эди. Ҳукумат бундан буён ҳам ана шу йўлга оғишмай амал қилиб, инсониятни ядро уруши хавфидан халос этишга, тинчликни мустаҳкамлашга ва барча мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсатни амалга ошира беради.

Совет ҳукумати СССР ҳеч кимнинг хавфсизлигига тажовуз қилмайди, у ҳамма билан тинчликда яшашни истайди, деб шу юксак минбардан туриб таъкидлаб ўтиш учун менга ваколат берди. Мудофаани мустаҳкамлаш юзасидан биз кўраётган тадбирлар — АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар милитаристик доираларининг ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш йўлидаги телбаларча уринишларига нисбатан қонуниятли жавобдир. Биз бундай мувозанат ҳар қандай шароитларда ҳам сақлаб қолинади деб айтамиз. Бизнинг ҳам, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг ҳам хавфсизлиги пухта таъминланаверади!

Ҳукумат мудофаани мустаҳкамлаш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилиб, айни вақтда дунёдаги ҳарбий-стратегик мувозанат энг паст даражада сақланиб қолиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади. Биз тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципи одилона асосда қурол-яроғларни чеклаш ҳамда қисқартиришга доир туб чора-тадбирлар тўғрисида шартлашиб олишга тайёрмиз.

Маълумки, АҚШ Ғарбий Европада ўзининг янги ракеталарини жойлаштириш билан ўртача олисликка учириладиган ядровий воситалар юзасидангина эмас, шу билан бирга стратегик ядро қуроли юзасидан ҳам музокаралар олиб боришга тўсиқлар вужудга келтирди. Америка томони бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиб, аввалги аҳволга қайтган тақдирда музокараларни яна бошлаш, шу масалалар юзасидан ўзаро мақбул шартномага эришиш йўлларини қидириб топиш имконияти очилади.

СССР Олий Советининг топшириғига мувофиқ ҳукумат ядро қуролига эга бўлган барча давлатларнинг ҳукуматларига илгари маълум қилинган конкрет ва реалистик таклифлар асосида ядро қуролларини кўпайтирмай қўйиш ғоясини амалга ошириш йўлларини излайди.

Ҳукумат космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш проблемасини ҳал этиш муҳим ва шошилинч эканлигига асосланиб, қуролланиш пойгасининг космик фазога ёйилиб кетиши хавфи тугатилиши учун куч-ғайратни активлаштиради, ўз ихтиёридаги барча мавжуд имкониятлардан фойдаланади.

Қуролланиш пойгасини тўхтатишга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга, кескинликни юмшатишга қаратилган таклифларимиз Ғарб мамлакатларига яхши маълум. Биз улардан конструктив жавоб кутамиз.

Инсониятни ядро уруши хавфидан халос этиш учун ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг ўз ўрталаридаги муносабатларида муайян нормалар комплексини биргаликда эътироф этиш тўғрисида шартлашиб олиши алоҳида аҳамиятга эга бўлур эди.

Константин Устинович Черненконинг 2 март куни сўзлаган нутқида олға сурилган бу муҳим таклиф тинчликсеварлик руҳида эканлиги яққол кўриниб турибди. Бу ҳақда шартлашиб олиш барча халқларнинг манфаатларига мос келган бўлур эди.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳукумат барча социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга бундан буён ҳам чуқур ва зўр эътибор бериб, социалистик ҳамдўстлик давлатлари билан қардошларча ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлайверади. Коммунистик партия билан Совет давлати сиёсатида алоҳида ўрин олган ана шу муносабатларга ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, манфаатлари ва хусусиятларини тўла ҳурмат қилган ҳолда мақсадларнинг муштараклиги ва қарашларнинг бирлиги асос қилиб олинган.

Социалистик ҳамдўстлик бирлигини, унинг жипслигини биз халқларимизнинг биргаликдаги буюк бойлиги сифатида асраймиз ва мустаҳкамлаймиз. Тинчлик ва социал тараққиёт таянчи бўлмиш унинг позицияларини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашаверамиз. Бу иш ҳукуматнинг ташқи сиёсий фаолиятида энг асосий эътибор бериладиган иш бўлиб қолади.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг сиёсий ва мудофаа иттифоқини мустаҳкамлаш масалалари, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш вазифалари бизнинг диққат марказимизда бўлади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги бўлажак иқтисодий кенгаши қардош давлатлар ҳамкорлигининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу Кенгаш ҳамдўстлик мамлакатлари олдида яна ҳам кенг истиқбол ва имкониятлар очади, деб умид қилиш учун ҳамма асослар бор.

Совет Иттифоқи халқаро ташкилотларнинг, аввало БМТнинг фаолиятида аввалгидек ташаббускорлик билан актив иштирок этаверади, кўп томонлама конференциялар ва анжуманларда конструктив йўлни ўтказиб уларда ўзаро мақбул аҳдлашувларни излайверади.

Шуни таъкидлаш зарурки, биз ҳамиша бўлганидек, халқаро сиёсатда нуфузли тинчликсевар куч сифатида иш кўраётган қўшилмаслик ҳаракатининг фикрига эътибор билан қулоқ соламиз.

Барча қитъалардаги мамлакатлар Совет Иттифоқи улар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришга тайёр эканлигига бундан буён ҳам умид боғлайверишлари мумкин. Табиийки Совет Иттифоқи кўп йиллар мобайнида анъанавий дўстлик, ўзаро манфаатли алоқалар боғлаб келаётган мамлакатларга алоҳида эътибор беради. Ўз қўшниларимиз билан муносабатларни ривожлантириш тўғрисида биз доимо ғамхўрлик қилаверамиз. Биз уларнинг ҳаммаси билан чинакам яхши муносабатларда бўлишни истаймиз.

Биз Совет Иттифоқининг капиталистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликка қаратилган йўли ўзгармас эканлигини таъкидлаймиз. Ўз-ўзидан маълумки, бундай йўл тенгликка, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка ва бирон-бир та ситишга йўл қўй асосланади.

Биз ядро уруши умуман уруш хавф этишга астойдил ган, Ер юзида т мустаҳкамлашни тинчлик ва тараққиё фаатлари йўлида ҳам нинг ҳаётий зару тушунаётганларинг си билан ишлашга т

* * *

Депутат ўртоқлар лов кампанияси давом унинг якунларида, с ларнинг наказларида мунистик партия бил вет давлатининг сиёс тўла-тўкис маъқулла билдирилди, халқи нимиз қудратини мус лашга, тинчлик ва ҳамкорлик учун куч-ғайратларини ришга бўлган хоҳиш изҳор этилди. Ҳуку тасдиқланган состав иродасини бажо учун ўзининг бутун билими ва тажриб сарфлайди, деб с ишонтириб айтишга бергайсиз.

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛО ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАҚИД

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. АЛИЕВ доклади

Янги чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми, унинг партия ва давлат турмуши энг муҳим масалалари юзасидан қабул қилган қарорлари белгиловчи таъсири остида ўтмоқда, деди Г. А. Алиев. Ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқи совет кишиларининг, бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бу нутқда ҳозирги босқичда Совет ҳокимиятининг олий органи ишини, Советларнинг бутун системаси ишини яхшилаш вазифалари белгиланган, мактабни ислоҳ қилиш ва уни амалга ошириш йўлларига чуқур сиёсий баҳо берилган, КПССнинг бундан буёнги фаолияти йўналишлари кўрсатилган. Мамлакат коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқини бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжат деб, партиянинг халқ бахт-саодати ва тинч турмуши тўғрисидаги, социалистик Ватанни равнақ топтириш ҳақидаги доимий ғамхўрлигининг яққол тасдиғи деб кутиб олдилар.

Совет кишилари ушбу сессиянинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Константин Устинович Черненкони СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлаш тўғрисидаги қарорини астойдил табрикладилар. Мана шу жуда муҳим давлат ишида, бу ҳақда бутун халқ билдираётган фикр ва мулоҳазаларда халқнинг жонажон Ленин партиясига чексиз ишончи, уларнинг хоҳиш-иродаси ва ақл-заковати бирлиги ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Бу — ўртоқ К. У. Черненконинг буюк ишчанлик ва шахсий фазилатлари, унинг коммунистик қурилиш улуғ ишига беками-кўст сарфлаётган сиёсий донишмандлиги ва ташкилотчилик истеъдоди ифодасидир.

Партия ўзининг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва 1984 йил февраль Пленумлари йўл-йўриқларига биноан, деди сўзини давом эттириб докладчи, ривожланган социализм шароитида халқ маорифини такомиллаштириш ва ёш авлодни тарбиялашнинг стратегик программасини ўртага қўйди. Бу программа ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир совет оиласининг туб манфаатлари билан, мамлакат социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг етилган эҳтиёжлари билан белгиланади.

Ҳозирги пайтда партия билан халқ ишининг асосий мазмунини ташкил этувчи ривожланган социализмни такомиллаштириш социал воқеликнинг ҳамма соҳаларидаги чуқур ўзгаришларда мужассамлашмоқда, бу эса ҳар бир ходимга умумий маълумот ва касб-кор таълими беришга нисбатан, унинг маънавий хусусиятларига ва ижодий ўсишига нисбатан янги талаблар қўймоқда. Бошқача қилиб айтганда, етук социализмни такомиллаштириш бош ишлаб чиқарувчи кучгина бўлиб қолмай, шу билан бирга маънавий бой, ахлоқий олижаноб шахс-актив граждан ҳам бўлмиш совет кишисини камол топтириш билан чамбарчас боғланган. Ҳозир бутун тарбия системасининг куч-ғайратлари шу вазифага қаратилган, янги социалистик типдаги шахсни вояга етказиш соҳасидаги ишнинг асосий маркази шундадир.

Бу иш болалик йилларида, оилада, мактабда бошланади. Шу боисдан КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми идеология ишини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиб, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйди. Бутун таълим ва тарбия ишини, ёш авлодни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш — бу ислоҳотнинг энг асосий мақсадидир.

КПСС ислоҳотнинг асосий йўналишларини белгилаганида жаҳон маданияти чўққилари сари шитобли юксалишда, биринчи Совет давлатининг иқтисодий ва социал жиҳатдан гуркираб тараққий этишида бебаҳо роль ўйнаган совет халқ маорифининг бой тажрибасига ва ютуқларига таянди. Социализм омманинг маърифати ва маънавий ривожланиши, меҳнат аҳлининг истеъдодлари ва ижодий кучларини равнақ топтириш учун қилган ишни бошқа ҳеч қандай ижтимоий тузум қилмаган ва ҳозир ҳам қила олмайди, деди нотиқ.

Совет мактаби ҳозир ҳам ўзининг олижаноб вазифаларини муваффақиятли бажармоқда, аммо унинг фаолиятида маълум камчиликлар ҳам бор. Партиямиз ҳамиша келажакни илмий планлаштира олиш маҳорати билан, эртанги кун эҳтиёжларини олдиндан кўриш, унга онгли равишда тайёрланиш маҳорати билан ажралиб келган. Шу нарса қонуниятлидирки, КПСС Марказий Комитети халқ маорифи соҳасидаги етилган проблемаларни таҳлил этиб, таълим ва тарбияга янада кенг ва мувозанатли янгича ёндашишни ишлаб чиқди, бу нарса ислоҳот лойиҳасида белгилаб берилган. Ислоҳот Ленининг ягона, меҳнат, политехника мактаби тўғрисидаги ғояларини ҳозирги шароитларга татбиқан изчиллик билан ривожлантиради, жамиятнинг бутун тарбиявий кучини бирлаштириш имконини беради, оммани маънавий маърифатли қиладиган системамизни мактаб қурилиши энг зарур масалаларини ҳал этишга ижодий ёндашиш билан бойитади.

КПССнинг энг юксак программавий мақсади — ҳар томонлама камол топган инсонни вояга етказишда йигит ва қизларни илмий, марксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбиялаш биринчи даражали ўрин олади. Мактаб ўз талабалари коммунистик эътиқодининг мустаҳкам пойдеворини яратиши, уларни интернационализм, халқларнинг қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялаши, кўп миллатли Ватанимизнинг жонкуярлари қилиб, уни ҳимоя қилишга доим тайёр кишилар қилиб тарбиялаши керак. Ислоҳот ёш авлодларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги бутун ишни турмуш олдимизга қўяётган юксак талаблар даражасига кўтариш, партия ва халққа астойдил садоқатли, фаол ва мард кишиларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Бугун муҳокама қилинаётган ҳужжат совет мактабининг ленинча принципини — таълимни унумли меҳнат билан бирга қўшишни етук социализм шароитларига ва уни такомиллаштириш вазифаларига мувофиқ равишда конкретлаштиради. Унда белгиланаётган тадбирларнинг амалга оширилиши мактабдаги таълим ва тарбия ишини реал ишлаб чиқариш билан тўлиқроқ боғлаш имконини беради, мактабдаги меҳнатни аҳён-аҳёнда бўладиган бир нарсадан мунтазам нарсага, мактаб турмушининг иккинчи даражали компонентидан асосий компонентларидан бирига айлантиради.

Бу эса ёшларимизнинг социал камол топиши бутун жараёни учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки меҳнатсеварликни тарбиялаш — инсон шахсининг энг асосий фазилатини тарбиялашдир, жамиятнинг турмушини ҳам, айрим шахснинг турмушини ҳам қуриш мумкин бўлган асосни вужудга келтиради. Шахс халқ бахт-саодати йўлидаги, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатдагина граждан сифатида қарор топади. Социализм — меҳнаткашлар жамиятидир, шу сабабли фақат меҳнатгина бу соҳада одамларнинг шон-шарафини ҳам, қадр-қимматини ҳам белгилайди. Бу — бизнинг социал адолат принципимиздир, бу принцип мустаҳкамдир.

Ёшларга умумий ўрта маълумот беришни умумий касб-кор таълимини бериш билан тўлдириши ва унга ўтишни таъминлаши лозим бўлган ислоҳот совет мактабини меҳнат тарбиясини кучайтириш йўлига солиб юборади. Барча йигит-қизлар, шу жумладан ўрта умумий таълим мактабини битириб чиққан ёшлар ўз меҳнат фаолияти бошланмасданоқ муайян касбни эгаллашларига эришиш вазифаси қўйилмоқда. Бу бизнинг катта социал ютуғимиз бўлиб, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ишини яхшилабгина қолмай, шу билан бирга йигит ва қизлардан меҳнатга онгли эҳтиёж сезиш туйғусини вужудга келтиришга кўмаклашади, уларга ўз ҳаётий истиқболини тўғрироқ танлаб олишда ёрдамлашади, умумий таълим мактабининг социал вазифаларини ва ролини сезиларли равишда оширишга олиб боради.

Ислоҳот ҳунар-техника таълими системасининг обрўси ва аҳамиятини анча оширади, деб таъкидлади докладчи. Тўлиқсиз ўрта мактабни тугаллаган ўқувчиларни ҳунар-техника билим юртларига қабул қилиш тахминан икки ҳисса кўпаяди. Фан-техника тараққиёти юзага келтираётган янги касблар бўйича ишчилар тайёрлаш анча кўпаяди. Ўқув юртининг ягона типи — «ўрта ҳунар-техника билим юрти» қарор топади.

Мактабдаги ҳунар таълимини ўқувчиларга умумий таълим бериш савиясини янада ошириш билан, уларни маънавий жиҳатдан ҳар томонлама вояга етказиш билан узвий равишда боғлаб олиб боришни таъминлаш зарурати — ислоҳотнинг принципиал талабидир.

Ҳунар таълимини политехника таълими билан тўғри қўшиб олиб боришнинг аҳамиятини ҳам таъкидламоқ керак, бу нарса фан-техника революцияси шароитида ходимнинг меҳнатни ўзгартириш, турдош, баъзан эса мутлақо янги касбларни ўзлаштириш, ўзини-ўзи доимо такомиллаштириш қобилиятини анча ошириш имконини беради. Мактабни партия белгилаб берганидек ривожлантириш диалектикаси ҳам шундан иборатки, ўқувчиларга меҳнат, ҳунар таълими беришнинг бутун системаси умумий таълимни янада анча яхшилаш негизига қурилиши лозим. Муайян ихтисосни ўзлаштириш мактаб ўқувчиси учун ҳаёт йўлини танлаш имкониятини кенгайтириши лозим, у ёки бу предметни чуқур ўрганишга зўр бериш эса айни вақтда ҳамма фанларни асосли равишда ўзлаштиришни назарда тутади.

Докладчи лойиҳанинг муҳокамаси чинакам бутун халқ педагоглар кенгашига айланиб кетганини, унда ҳаммаси бўлиб 120 миллионга яқин киши қатнашганини маълум қилиб, муҳокамада иштирок этган барча гражданларга, меҳнат коллективларига, ташкилотларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва Совет ҳукумати номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Бу муҳокаманинг энг асосий сиёсий якуни шундан иборат бўлдики, совет кишилари ислоҳотнинг мақсадлари ва асосий қоидаларини якдиллик билан маъқуллаб партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини намойиш этдилар, деди у. Муҳокама КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг хулосалари муҳимлигини, партиянинг ижтимоий ривожланиш проблемаларини ўз вақтида аниқлаб, уларни тўғри ҳал этиш йўлларини топиш маҳоратини яққол кўрсатди.

Коллектив ақл-заковат ислоҳот лойиҳасини анча бойитди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ўртоқ К. У. Черненко раислигидаги комиссияси меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазаларини таҳлил этиб, якунловчи ҳужжатга юзга яқин қўшимча, аниқлик ва тузатиш киритди. Кўпгина таклифлар ислоҳотни амалга ошириш юзасидан тайёрланаётган қарорларда инобатга олинди, шунингдек амалий ишда фойдаланиш ва келгусида ўрганиш учун министрликлар ҳамда идораларга юборилди. Таълим-методик характерга эга бўлган таклифларнинг анчагина қисми халқ маорифи органларининг инструктив ҳужжатларида эътиборга олинади.

Сўнгра докладчи тушган таклифларнинг баъзиларига тўхталиб ўтди. Жумладан, умумий таълим мактабининг тузилиши ҳақида, айниқса ўқиш муддатини ўн йилдан ўн бир йилга узайтириш ва болаларни олти ёшидан ўқитишга ўтиш тўғрисида жуда актив мунозара бўлди. Илм-фан маълумотлари мана шу янгиликни жорий этишнинг мақсадга мувофиқ эканлигига ишонтирмоқда.

Она тили билан бир қаторда дўстлик ва қардошлик тили бўлиб қолган, совет кишилари миллатлараро алоқа воситаси деб ихтиёрий равишда қабул этган рус тилини ҳам чуқур ўрганиш масалалари зўр манфаатдорлик билан муҳокама қилинди. Барча миллат фарзандларини жаҳон цивилизацияси бойликларидан баҳраманд қилаётган рус тили ғоят муҳим социал-сиёсий ва маданий аҳамиятга молик омил бўлиб қолди. Шу тарихий реалликни кенг ифодаловчи ҳужжат ўрта мактабни битириб чиққан ҳар бир киши рус тилини бемалол билишига кўмаклашиши лозим. Бундай қилиш миллий тилларни асло камситмайди, балки аксинча бу тилларнинг бойишига ва янада ривожланишига ёрдам беради. Ислоҳот мамлакатимиздаги ҳар бир миллат ва элатнинг маориф ва маданият соҳасидаги ўзига хос эҳтиёжларини жуда пухта ҳисобга олишни назарда тутади.

Нотиқ умумхалқ муҳокамаси чоғида тушган бошқа таклифларга тўхталиб, эндиликда мактаб ишини яхшилаш соҳасидаги амалий ишда биронта муҳим фикрни эътибордан четда қолдирмаслик зарурлигини таъкидлади. Халқ фикрини, халқ донолигини ардоқлаш — партиямизнинг ленинча анъанасидир. Биз шу анъанага муттасил амал қилаверамиз.

СССР Олий Советининг ушбу сессияси ривожланган социализм шароитида совет мактаби концепциясини тайёрлаш ва унинг умумхалқ муҳокамасини аслида ниҳоясига етказмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР ҳукумати Совет ҳокимиятининг олий органи ислоҳотнинг асосий йўналишларини маъқуллашга ва унга давлат ҳужжати тусини беришига умид қилади. Шу тариқа янги босқич—ислоҳотни турмушга татбиқ этиш босқичи бошланади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ислоҳотни амалда рўёбга чиқаришга қаратилган ҳужжатларни тайёрладилар. Г. А. Алиев ташкилий-сиёсий характердаги тадбирлар жиддий моддий таъминот билан мустаҳкамланаётганини таъкидлаб, келгуси беш йилликда 7 миллион ўринли, яъни ҳозирги беш йилликка нисбатан қарийб икки баравар кўп янги мактаблар, ҳунар-техника билим юртларининг сал кам 800 та комплекси, мактабдан ташқари кўпгина муассасалар қурилиши планлаштириб қўйилганини маълум қилди. Ислоҳотни амалга ошириш учун давлат бюджетидан сал кам 11 миллиард сўм ажратилади, шундан йилига 3,5 миллиард сўми халқ маорифи ходимларининг иш ҳақини шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб босқичма-босқич оширишга ишлатилади. Биз маориф ишига қилинадиган сарфни маблағларни жуда ўринли харажат қилиш деб ҳисоблаймиз, бунда биз улардан келгусида олинадиган иқтисодий самаранигина назарда тутмаётганлигимиз ўз-ўзидан равшан. Совет кишиларининг маданияти ва онглилиги ўсиши, ёш ўринбосарларимизнинг истеъдодлари ривожланиши ва келгусида рўёбга чиқиши — бу соҳадаги асосий фойдамиздир. Бундай ёндашиш социалистик тузум моҳиятининг ўзидан келиб чиқади, партиянинг ёш авлод тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги шуни тақозо этади.

Ислоҳотнинг муваффақияти учун бизда илмий асосланган программа, билимдон кадрлар, салмоқли моддий база бор. Эндиги вазифа ишни конкрет равишда ташкил қилишдан иборат. КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарори, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи унинг асосий йўналишларини аниқ-равшан белгилайди. Чамаси, ишни партия билан ҳукуматнинг ислоҳот тўғрисидаги ҳужжатлари маъноси ва мундарижасини халқ маорифи системасининг барча бўғинларига, унинг ҳамма ходимлари онгига етказишдан, ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи, ҳунар-техника билим юртининг мастери қайси ишларни, қандай қилиб ва қайси муддатларда қилишлари кераклигини мутлақо аниқ билишларига эришишдан бошламоқ керак.

КПСС Марказий Комитети ислоҳотнинг миқёсини ва комплекс характерини эътиборга олиб, уни амалга оширишга босқичма-босқич ёндашишни тавсия этади. Мактаб қурилишининг энг катта, стратегик вазифалари —умумий таълим ва ҳунар мактаби тармоғини ривожлантириш ва базасини мустаҳкамлаш — нисбатан узоқ муддатга — 1995 йилгача мўлжалланган. Мактабнинг янги типовой ўқув планини, ўқувчиларга меҳнат таълими ва коммунистик тарбия бериш программаларини, норматив актлар туркумини яратиш, бошқа бир қанча проблемаларни ҳал этиш сингари ўқув-методик характеридаги масалалар эса жуда оператив тарзда ҳал қилиниши керак.

Ўқитувчи — ислоҳотни амалга оширишда асосий фигурадир. Партия билан давлат унинг фидокорона меҳнатини ҳамиша юксак қадрлаб келдилар ва қадрламоқдалар. Ислоҳот ўқитувчининг обрў-эътиборини янги юксакликка кўтаради. Ёш авлодларга таълим ва тарбия бериш учун ўқитувчининг жамият олдидаги масъулияти бекиёс ошмоқда. Ўқитувчи ўзининг педагоглик маҳоратини доимо такомиллаштириши, болаларнинг ақли ва дилига энг яхши йўлларни топиши, ёшлар учун социалистик ахлоқийлик мураббийси, тақлид қилиш учун юксак намуна, ибрат бўлиши керак.

Партия билан давлат ўқитувчилар олдига катта вазифалар қўяр эканлар, айни вақтда маориф ходимларининг ижтимоий обрўйини ошириш тўғрисида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар. Педагогларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириш формалари ҳам такомиллаштирилмоқда.

Сўнгра нотиқ бутун халқ маорифи системасини бошқаришни яхшилаш, мактабга раҳбарлик услуби ва методларини анчагина ўзгартириш зарурлигига тўхталди. Ҳамма жойда — мамлакат Министрлар Советидан тортиб халқ депутатлари район советларининг ижроия комитетларигача — маориф ва тарбия системаси турли бўғинларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштирувчи идоралараро комиссиялар тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ислоҳот СССР Педагогика Фанлари академияси, Фанлар академияси олдига, бутун совет фани олдига катта вазифалар қўяди.

Докладчи маориф соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда халқ депутатлари советларининг масъулияти анча ошишини алоҳида таъкидлади. Қишлоқ мактаби уларнинг кундалик эътиборига, айниқса муҳтож. Советлар мактаб ўқувчиларига меҳнат тарбияси бериш учун зарур шарт-шароитлар яратишга ҳам янгича ёндашишлари, завод ва фабрикаларнинг, колхоз ва совхозларнинг жуда катта имкониятларидан моҳирона фойдаланишлари керак.

Давлатимиз билан жамиятимиз структурасида ислоҳотдан четда қола оладиган, маҳкамачилик тўсиғи орқали ундан ўзини четга оладиган биронта бўғин йўқ. Ҳар бир министрлик ва идора масалаларнинг кенг доираси юзасидан мактабга ёрдам беришни ўз кундалик тининг ажралмас қис билиши ва ислоҳотни чиқаришдаги ўз вази ни равшан тасаввур зарур, деб таъкидлади

Ёш авлодга таълим тарбия беришнинг энг сий масалаларини ўз олувчи ислоҳот Ленин молининг, Совет насл юзларининг қонуният вишда жуда муҳим либ қолади.

Халқ маорифининг хил вазифалари, амалга рилиши оила билан нинг баҳамжиҳат иш шига кўп жиҳатдан дир. Болалар тарбияс ота-оналарнинг жавобгар ни кучайтириш, ота- оналарнинг педагогик лимдонлигини ошириш, вий тарбия билан тарбиясининг уйғун ги бирлигини таъмина бу соҳада ўртада турга та, аммо яхлит вазифа

Халқ маорифимизни лашга маданият муасса ри, ижодий союзлар ҳа моқли ҳисса қўшишла рак.

Биз ҳаммамиз узоқ аниқ мақсадни кўзлаб, пинча кунт билан ва йин катта иш қилишими рак, ҳамма соҳада бў каби бу ишда ҳам комитетлари ва ташкил ри бекиёс ташкилотчили лини ўйнайдилар. Марказий Комитетини рель Пленуми зиммасига совет мактаб янгилашнинг бутун ни доимий назорат олиб, уни йўлга солиб риш, совет халқ ма ҳақли равишда фахрла ган қимматли тажриба нинг бир мисқолини ҳам тибордан четда қолди лик ҳақида ғамхўрлик вазифасини юклади. Марказий Комитетини рифни такомиллашти масалаларига оид қўр лари ўз вақтида, тўла-тў амалга оширилиши учун ма ишни қилиш-бизнинг тиявий ва граждан миздир.

Янги чақириқ СССР И фоқи Олий Советининг ринчи сессияси ўз совет мактабини ривож тириш истиқболларини кама қилишдан бошла лиги рамзий бир ҳоди «Совет жамияти улуғ садларимиз сари дадил силжимоғи учун, — деб кидлади ўртоқ К. У. ненко КПСС Марказий митетининг апрель Плену да, —ҳар бир янги маълумот ва умумий ниятнинг, касб-кор малака ва граждан активлиги янада юқори поғонасига тарилиши керак. Тарбия из бўлса, социал тара нинг қонуни мана шунда Мактаб ҳақида доимий ғ хўрлик қилиш— партия Ленин васиятларига со лигининг, сиёсатимиз ликни кўзлашининг исботидир, деди сўзи охирида нотиқ. У КПСС казий Комитети ишлаб қан ва бутун халқ томони қўллаб-қувватланган ислоҳоти муваффақиятли вишда амалга ошири деб қатъий ишонч би ди. **(Давомли қарсаклар).**

(ТАСС).

Муҳим масалалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида шаҳар партия комитети ҳузуридаги штатсиз лекторлик группаси аъзоларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг ана шу Пленумдаги нутқини, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси материалларини пропаганда қилиш масалалари муҳокама этилди.

Тингловчиларнинг билим доираларини кенгайтириш мақсадида лекторлар шаҳар халқ хўжалиги тармоқларининг 1984 йил биринчи кварталдаги иш якунлари билан танишиб чиқдилар. Шаҳар статистика бошқармасининг бошлиғи Б. Г. Магай ана шу ҳақда сўзлаб берди.

Семинар - кенгашни штатсиз лекторлик группасининг раҳбари Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов олиб борди.

ТАРБИЯ—ҲАММАНИНГ ИШИ

Партиямиз Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи билан барча совет кишилари сингари ғоят чуқур танишиб чиқдим. Унинг нутқидаги умумий таълим ва ҳунар мактабини такомиллаштириш проблемалари кўриб чиқилган қисм педагог сифатида менинг эътиборимни, айниқса, ўзига жалб этди.

Партия бизнинг олдимизга ғоят муҳим вазифани — барча умумий таълим фанларини, шу жумладан гуманитар фанларни ўқитишни яхшилаш, шу фанларнинг илмий савиясини ошириш вазифасини қўймоқда. Биз бугунги кунда куч-ғайратимизни айни шу масалага қаратмоқдамиз. Бироқ бу жараён мактабдагина олиб борилмаслиги керак. Кўп нарса ёш педагогларни тайёрлаш сифатига ҳам боғлиқдир. Бу борада мактаб билан олий ўқув юртларининг маҳкам алоқаси ғоят муҳимдир.

С. СИДДИҚХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳридаги 59-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Уренгой-Помари-Ужгород газ қувури учун электротехника маҳсулоти етказиб бериш юзасидан буюртмаларни муддатидан илгари бажаришга катта ҳисса қўшганлиги ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этганлиги учун Тошкент электротехника заводининг участка бошлиғи Саттор Мажидов, завод бригадири Рашид Зокирович Усмонов ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»; «Средазэлектроаппара ишлаб чиқариш бирлашма нинг бош директори ўртоқ вар **Маҳмудовга** «Ўзбекист ССРда хизмат кўрсатган ин нер» фахрий унвонларини б ди.

СССР Электротехника сан министрлигига қара ти «Средазэлектроаппарат» лаб чиқариш бирлашмаси димларидан бир группаси бекистон ССР Олий Сов Президиумининг Фахрий ғи билан мукофотланди.

КЕРЧЬ ШАҲРИНИНГ НЕМИС-ФАШИСТЛАР АСОРАТИДАН ОЗОД ЭТИЛГАНИГА 40 ЙИЛ ТЎЛДИ

«ОЛОВЛИ ЕР» ЖАВОҲИРИ

Керчь бўғози қирғо- ға жойлашган, мам- лакатимизнинг йирик шаҳарларидан ри ҳисобланган Керчь қаҳрамон шаҳарлар сомасидан муносиб рин олган. 1941 йил- октябридан бош- б Керчь душман шаяси томонидан бардимон қилина ланди. Ноябрь ойи ҳларида эса қўшин- ларимизнинг қаттиқ шилигига қарамай шист босқинчилари ларни ишғол этди- р.

Керчь ярим оролида тта куч тўплаган ман 1942 йилнинг й ойида ўзнинг ян- ҳужумини бошлади. ддатли жанглардан ейин қўшинларимиз рчни ташлаб чиқди- Кавказ аҳолиси, ртизанлар босқин- ларга қарши актив рашдилар.

1943 йил ноябрь нинг бошида 18- мия қисмлари ва ра денгиз флоти ларлари Эльтиген обонга десант ту- дилар. Шундан йин 56-армия ва зов ҳарбий флоти нгизчилари Керчь- нг шимоли-шарқи- ги душман плацдар- ни ишғол этдилар. «Оловли ер» номи би- н тарихга кирган льтиген учун олиб рилган кураш ўз ҳрамонларини ҳа- ша олқишлайди. 36 кеча-кундуз ер аланга- иб турди. Десантлар душман қўшинлари билан қаттиқ жанг қилдилар ва мардлик, матонат, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Приморск армияси, Қора денгиз флоти денгизчилари ва Азов ҳарбий флотилияси қўшинлари учувчилар ёрдамида душманга ҳужум қилдилар ва шиддатли жанглардан сўнг 1944 йилнинг 11 апрелида Керчь шаҳрини душман асоратидан озод қилдилар. Ғалаба байроғи Митридат тоғи устига ўрнатилди. Ҳозир бу ерда қаҳрамонлар хотирасига қурилган ҳайкал бор, унинг ёнида мангу аланга порлаб турибди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидаёқ 15 мингдан ортиқ киши фронтга жўнади. Буларнинг мингдан ортиғи коммунистлар эди. Шаҳар партия комитетининг раҳбарлигида барча шаҳар корхоналари, биринчи навбатда Войков номидаги металлургия заводи ва темир-маъдан заводи ҳарбий маҳсулот чиқара бошлади. Бу корхоналарнинг ишчилари «Войков» ва Пторняки номлари билан аталган иккита бронепоезд ишлаб чиқардилар. Бу поездлар Қрим учун олиб борилган жангларда иштирок этиб, душманга катта талофат келтирди.

Денгизчилар 1941 йилнинг август ойигача 30 мингдан ортиқ аҳолини Тамань ярим оролига кўчирдилар. Бундан ташқари 350 минг бош чорва моллари, Войков номидаги металлургия заводининг асбоб-ускуналари, темир-маъдан комбинатининг экскаваторлари ҳам кўчирилди. Шаҳар атрофида мустаҳкам мудофаа иншоотлари қурилди. Багерово, Қамишбурун, Старокарантин, Аджимушк қишлоқлари душман киролмайдиган қўрғонга айлантирилди. Перекоп ва Чонгара районларида қурилган мудофаа истеҳкомларига 1000 тоннадан ортиқ металл ажратилди. Перекопга 7 вагон арматура, цемент, кўтарма кранлар юборилди. Шаҳарда қирувчи ва тикловчи батальонлар тузилди, халқ қасоскорлари отрядлари барпо этилди. 1941 йилнинг ноябрида халоскорлар Совет Армияси қўшинлари билан биргаликда шаҳар бўсағаларида душманга қарши шиддатли жанг қилдилар.

Шаҳар озод қилингандан кейин меҳнат яна қайнаб кетди. Войков номидаги заводда ва бошқа корхоналарда ҳарбий буюмлар ишлаб чиқариш қайта тикланди. Денгизчилар ва балиқчилар Керчь бўғози орқали қўшинларни ва ҳарбий анжомларни кўчиришга киришдилар. Шаҳар ёшлари бир минг тоннадан ортиқ қора металл, 40 тоннадан ортиқ рангли металл жамғардилар. ВЛКСМ номидаги танк колоннаси тузиш учун маблағ тўплана бошланди. Шаҳар меҳнаткашлари бу фондга ўз жамғармаларидан 300 минг сўмдан ортиқ пул бердилар.

1942 йилнинг май ойидан 1944 йилнинг апрель ойигача бўлган оккупация даврида гитлерчи қонхўрлар 14 мингдан ортиқ тинч аҳолини отиб ўлдирдилар. Аммо ҳар қандай отиш-ўлдиришлар, қийноқ ва азоблар халқ иродасини буколмади. Аҳоли ва яширин ташкилот аъзолари асирларни озод қилишга ёрдам бердилар, қурол-аслаҳа омборларини портлатдилар, душман эшелонларини ағдардилар. Войков посёлкасида ҳаракат қилган ватанпарварлар аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб борди, варақалар тарқатди. «Керчь партизанлари» газетасини чиқарди.

1943—1944 йилда уч партизан отряди душманга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Биргина Старокарантинда ҳаракат қилган партизанлар отряди шу давр ичида душманнинг 600 аскарини йўқ қилдилар, 5 тўп, 32 автомашинасини яксон қилдилар.

Керчни озод қилиш учун олиб борилган жангларда совет қўшинларининг 92367 солдат ва офицери қатнашди, 1785 тўп ва миномет, 219 танк ва самолёт иштирок этди. Керчь учун олиб борилган жангларда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликлари учун 138 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. 10 мингдан ортиқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди.

Уларнинг орасида тошкентлик старшина В. Ифтаев ҳам бор.

696-ҳужумчи полкимиз, — дейди Вадим Ифтаев,— пастқамликда эди, немис қўшинлари эса тепаликда жойлашган. Полкдаги солдатлардан 70 дан ортиқ жангчини тўплаб ҳужумга отландик. Қоронғи тушгач группамиз билан қамишзорлар оралаб тепалик ёнбағрига бордик ва душманни ўққа тутдик. Ҳаяжонга тушган гитлерчилар бардош беролмай қоча бошладилар. Шундай қилиб тепалик ишғол этилди.

Вадим Вадимович Ифтаев ҳозирги пайтда Шота Руставели кўчасида истиқомат қиляпти. Кўкрагини иккинчи даражали Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари, кўплаб медаллар безаб турибди.

Л. ҲАМРОЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

• МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Чўлқуварлар ҳузурида

Охунбобоев номли ўзбек ёш томошабинлар театри коллективи серқуёш республикамизнинг 60 йиллик тўйи олдидан томошабинларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида дастлабки катта гастроль сафарини бошлади. Театр коллективи ана шу мақсадда Қашқадарё областининг шаҳар ва қишлоқларига марҳамат қилди.

Ижодий коллектив икки группага бўлиниб, турли жойларда муваффақият билан томошалар кўрсатяпти. Пахтакорлар, чорвадорлар, сабзавоткорлар, боғбонлар Тошкент театри репертуаридаги «Фарзандим-жигарбанд и м», «Раҳмат, капитан», «Қўнғироқли ёлғончи», «Ойгул ва Бахтиёр», «Ўз уйингдасан», «Этик кийган мушук» спектаклларини завқ билан томоша қилишяпти. Бу саҳна асарларини намойиш этишда Ўзбекистон ССР халқ артистлари Обид Толипов, Манзура Ҳамидова, Муҳаббат Йўлдошева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Бадал Нурмуҳамедов, Гулчеҳра ва Лутфулла Саъдуллаевлар, Ҳайрулла Саъдиев ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Театр Қашқадарё областининг барча районларига хизмат кўрсатиб бўлгач 24 апрелдан бошлаб Қарши шаҳрида театр ҳафталигини ўтказади.

Бутуниттифоқ кўргазмаси

Бепоён мамлакатимизнинг Россия Федерацияси, Белоруссия, Арманистон, Ўзбекистон ва бошқа республикаларининг ўттиз мўйқалам устаси қарийб бир ярим ойдан буён «Гуллаб-яшнаётган Ўзбекистон» Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаси учун материаллар тўплаш билан шуғулланишмоқда.

Улар йирик индустрия марказларининг бугунги жамолини акс эттириш мақсадида Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Навоий — Фарғона бўйлаб ижод сафарига чиқишган. Улар бу ижод сафари чоғида саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари билан яқиндан танишадилар, уларнинг ҳаётини ўрганадилар, портретларини яратадилар. Ижод қилинган барча асарлар республикани мадҳ этувчи катта тасвирий санъат кўргазмасига қўйилади.

СССР Рассомлар союзи ташкил этган ижодий группанинг дастлабки асарлари кино уйида шу ойда намойиш этилади.

• Нашриёт туҳфалари

«МУЗАФФАР САДОЛАР»

Нафтула Аронович лфин ўзининг «Музаффар садолар» деб омланган тарихий-жатли повестида иккинчи инглиз-афғон 1878–1880 йиллар- а) урушининг келиб иқиш сабаблари ҳам- а эрксевар афғон алқининг инглиз им- ериализмига қарши аҳрамонона кура- шини маҳорат билан асвирлаган.

Асарни рус тилидан ирҷалол Турсунов, иноят Маҳмудова, олида Мансурова ва азира Жўраевалар ржима қилишган.

САЙЛАНМА АСАРЛАР

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кофоти лауреати ас Умарбековнинг жилдли сайланма сарлари чоп этила шланди.

Асарларнинг биринчи жилдига турли илларда ёзилган ҳикоялар, шунингдек «Севгим—севгил и м», «Чўли ироқ» каби қиссалар киритилган. Китобга профессор Лафиз Қаюмов сўзбоши ган.

«ДЎЗАХДАН ЧИҚҚАН ЯНГИ ШАЙТОН»

Эстон адабиёти классиги Антон Хансен–Таммсааре танқидий реализм вакилидир. У жуда кўп ҳикоя, қисса ва романлар, пьесалар авторидир. Айниқса унинг беш китобдан иборат «Ҳақиқат ва адолат» эпопеяси китобхонлар орасида шуҳрат топган.

Дўстлик кутубхонаси сериясида чоп этилган «Дўзахдан чиққан янги шайтон» ёзувчининг сўнгги асаридир. Бу асарида муаллиф Эстонияда ржуа диктатураси- нинг охирги йиллари- ни тасвирлаган.

Романни русчадан Отаёр таржима қилган.

«ДАВР ШАМОЛИГА ПЕШВОЗ»

Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, профессор Салоҳиддин Мамажоновнинг «Давр шамолига пешвоз» китобига Ленин ва миллий адабиётлар тақдири, ҳозирги адабий жараёндаги услубий изланишларга оид тадқиқотлар жамланган. Шунингдек, китобдан муаллифнинг адабий портретларга чизгилари ҳам ўрин олган.

С. АЗИМОВА,
Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти ходими.

Челябинскка Чехословакияда яратилган «ЧС—7» янги электровозлари келтирилди. Улар Совет Иттифоқининг буюртмасига кўра машҳур «Шкода» корхонасида тайёрланди.

Янги техникани ўзлаштиришда Чехословакия мутахассислари совет мутахассисларига ёрдам бермоқдалар. Ишдан бўш вақтларда улар С. Цвиллинг номидаги драма театрида чех драматурги Й. К. Тильнинг пьесаси асосидаги спектаклни томоша қилдилар, артистлар билан учрашдилар.

СУРАТДА: театрда антракт пайтида. Чапдан ўнгга — «Шкода» заводининг слесари Йозеф Шима, электрчи Павел Тэлингер, театрнинг бош режиссёри Наум Орлов, бош ижрочилар Сергей ва Наталья Кутасовлар.

Б. Клипиницер фотоси. **ТАСС фотохроникаси.**

• «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

НАВБАТ КУТИБ ҚОЛМАЙСИЗ

«Вечерний Киев» газетаси Одесса шаҳрида темир йўл билетлари сотилишини ташкил этишдаги қизиқарли тажриба ҳақида хабар қилади.

Яқин пайтларда ҳам Одессадаги бош станция вокзалининг иккита, учта дарчаси ёнида навбатда турганлар қаторлашиб қолишарди. Темир йўл кассалари сонини кўпайтиришнинг имкони йўқ эди. Чунки вокзалнинг эски биносида аллақачон бўш майдон қолмаган эди. Лекин йўли топилди. Вокзал кассалари ишини уларнинг филиалларини ташкил этиш ҳисобига такомиллаштиришга қарор қилишди.

Социологлар шаҳарнинг турли қисмларида билет кассаларини жойлаштиришнинг оптимал жойларини аниқлаб беришди. Гавжум магистраллларнинг чорраҳалари, саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, ишчилар ва студентлар ётоқхоналари кўп жойлар танланди. Бинокорлар ва пардозловчилар ажратилган хоналарни қулай ва шинам залларга айлантиришди. Темир йўл конструкторлари ва рационализаторлари алоқа системаси ва ахборотларга ишлов берувчи оригинал жиҳозлар яратиб беришди.

Филиалларнинг ўз «йўлдошлари» — курорт мавсуми пайтида дам олувчиларга бевосита шифохоналар ва денгиз соҳилида хизмат кўрсатувчи кўчма кассалар пайдо бўлди. Кўчма касса автобуслар аниқ белгиланган график асосида жойларга боради. Бундай ҳолда диспетчерлик билан рация орқали алоқа боғланади.

ФУТБОЛ ЛОТЕРЕЯСИ

Апрель ойида «Динамо» стадионида биринчи марта ўйналадиган «Садоқат лотереяси» бахтли билетининг эгаси уйига шахсий «Жигули» машинасида жўнаб кетади. «Вечерний Тбилиси» газетаси ана шу ҳақда хабар бериб, бу автомашина 157 та совриндан энг каттаси эканини маълум қилган. Бу ютуқларни Тбилиси ва Киев «Динамо» командалари учрашуви кунида садоқатли футбол ишқибозлари ютишлари мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси бир сўм. Ютуқлар орасида — иккита «Жигули» автомобили, иккита спорт мотоцикли, учта «Шилялис» рангли телевизори, 75 та «Минск» велосипеди ва яна шунча Тбилиси динамочиларининг автографлари ёзилган футбол тўплари бор. Ютуқлар ҳар бир матч тугаши биланоқ топширилади.

Тираж ғилдираклари таймлар орасидаги танаффус пайтида томошабинларнинг кўз олдида айлантирилади. Унинг натижаларидан қатъий назар ҳақиқий футбол ишқибозлари ютуқдан бебаҳра қолишмайди. Уйиндан тушган маблағ грузин футболини янада ривожлантириш, спорт комбинати ва «Динамо» футбол командаси ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга сарфланади.

• Ўзбекистон—жаҳон даврасида

САНЪАТИМИЗ НАМОЙИШИ

БУГУН чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти адресига Чехословакия Социалистик Республикасининг пойтахти Прагадан хушхабар келди. Унда ўзбек халқ амалий санъати намуналари у ерда катта муваффақият билан намойиш этилаётганлиги маълум қилинади.

Дўстлик жамияти бундай катта салмоқли кўргазмани тайёрлаб, хайрли ишга қўл урди. 150 га яқин экспонатдан иборат бўлган бу кўргазма Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Риштон усталарининг қўли билан тайёрланган ғоятда нафис буюмларни ўз таркибига қамраб олади. Унда зардўзлик буюмлари, миллий сўзаналар, сопол лаган ва кўзалар, Чуст дўппилари ва пичоқлари, ранг-баранг музика асбоблари бор.

Бу кўргазма сўнгра Чехословакиянинг Карлови Вари шаҳрида 25 апрелга қадар намойиш этилади.

Маълумки, бу кўргазма билан илгари Норвегия томошабинлари қизиқиб танишган эдилар. Келгусида у Европадаги бошқа мамлакатларга кўчирилиши мўлжалланмоқда.

• ЛОЙИҲА УСТАХОНАЛАРИДА

ИНСТИТУТ БАЗАСИ КЕНГАЯДИ

Пахтачилик саноати марказий илмий-тадқиқот институти ишлаб чиқариш базаси яна кенгаядиган бўлди. Олимлар ва конструкторлар ихтиёрига иккита икки қаватли ишлаб чиқариш корпуси берилади. Унда тажриба устахоналари жойлашади. Бундан ташқари тўрт қаватли маъмурий-маиший блок ҳам бунёд этилади.

Институт олимлари пахта хом ашёсини қайта ишлаш илғор технологиясини яратиш, пахта тозалаш ускуналарини такомиллаштириш борасида кўпгина ишларни амалга оширишмоқда. Лекин тажриба ишлаб чиқариш устахоналари майдони торлиги илмий-тадқиқот ишларини тадбиқ этишга халал берар эди. Институт ишлаб чиқариш базасини янада кенгайтириш олий сифатли пахта толаси олиш учун ускуналарнинг тажриба намуналарини яратишни тезлаштириш имконини беради.

• *Йўл интизомни ёқтиради*

ПИВО ИЧГАНМИШ...

Спиртли ичимлик йўл ҳаракатининг барча иштирокчиларига салбий таъсир кўрсатиши аён. Биз кўпинча маст ҳолда рулни бошқарган кишиларни жиноятчига ўхшатамиз. Лекин пиёдаличи? У маст ҳолда йўлнинг серқатнов қисмига ўтиб, ҳаракат иштирокчиларига халақит берса, авария ҳолатини келтириб чиқарса, бундай қоидабузар аёл киши бўлса, нима дейиш мумкин?

Арина Афанасьевна Пак маст ҳолда Куйбишев шоссесини кесиб ўтмоқчи бўлди. Лекин у машиналар қатнов йўлидан гандираклаб бориб, Н. Сафронов бошқариб келаётган «ГАЗ—52» автомашинасининг орқасига урилиб кетди ва тан жароҳати олган ҳолда касалхонага ётқизилди.

Кейинчалик Арина Пакдан нима учун қоидага амал қилмаганлигини сўралганида, у «бир кружка «пиво» ичгандим» деди. Уйлаймизки, Арина энди пиво ичиб йўл ҳаракати қоидаларини бузмайди.

А. ЭРНАЗАРОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАШАББУСИ

БЕРЛИН. ГДР темирйўлчилари республика барпо этилган куннинг 35 йиллиги шарафига бу йил пландан ташқари бир миллион тонна юк ташиб бериш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Резервлардан янада тўлатўкис фойдаланиш, янги техника яратиш ва уни жорий этиш, темир йўлларни электрлаштиришни давом эттириш пўлат магистрал меҳнатчиларига шу мажбуриятни бажаришда ёрдам беради.

Чунончи Потсдам округининг Хенингесдорф шаҳридаги вагонсозлик заводида соатига 140 километргача тезлик билан юра оладиган янги электровоз синовлари тугалланди. Бу электровоз мамлакат пўлат магистраллари бўйлаб 100 минг километрдан кўпроқ йўлни муваффақиятли босиб ўтгач, кўплаб ишлаб чиқарила бошлади. Замонавий талабларга мувофиқ келадиган янги локомотивнинг конструкцияси ундан ҳам пассажир, ҳам юк ташиш учун фойдаланиш имконини беради.

Пўлат изларни электрлаштириш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Темир йўлларни модернизациялашнинг ГДРда қабул этилган программасига биноан шу беш йиллик (1981— 1985 йиллар) мобайнида яна 800 километрдан ортиқ магистрал электр ёрдамида ишлайдиган бўлади.

Шундай қилиб, 1985 йилга борганда мамлакат темир йўлларида ташиладиган барча пассажирлар ва ҳамма юкларнинг қарийб учдан бир қисми қудратли ва тежамли электровозлар зиммасига юклатилади.

Қанотли машиналар

ПРАГА. Чехословакия қишлоқ хўжалик кооперативлари ва давлат хўжаликларининг далалари тепасида парвоз қилиб юрган қанотли машиналар кўкламнинг доимий йўлдошларидир. «Словайр» қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари бу йил 5,5 миллион гектар ерни осмондан озиқлантиришлари лозим. Бу —мамлакатдаги ҳамма экинзорларнинг деярли ярмисига тенг келади.

Қишлоқ хўжалик авиацияси ҳозирги Чехословакия қишлоғи турмушидан мустаҳкам ўрин олган. Қанотли машиналарнинг отрядлари мўл ҳосил учун курашда ғаллакорларнинг ишонган ёрдамчиларидир. 1990 йилга бориб осмондан озиқлантириладиган ва дориланадиган майдонларни 6,6 миллион гектарга етказиш белгиланган.

Исроил агрессорлари жафокаш Ливан тупроғига кўпгина кулфат келтирдилар.

СУРАТДА: уй-жойсиз қолган фаластинлик оила.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида Кобул шимолий ва марказий районлари аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш системаси — Афшор сув омборининг биринчи навбати ишга тушди. Сув билан таъминлайдиган бу система замонавий машина-ускуналар, шу жумладан электрон ускуна билан таъминланган бўлиб, у жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўрнатган стандартларга бардош бериш имкониятини яратади. Афшор сув омбори қуриб битказилганидан кейин пойтахт аҳолисидан 130 мингдан кўпроқ киши водопровод ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу системани афғон мутахассислари қуришган. Улар бутун объект қурилишини шу йилнинг ўзида тугаллашни режалаштирмоқдалар.

* * *

ҚОҲИРА. МАРдаги энг катта Қоҳира университети Миср экономикаси учун миллий кадрлар тайёрлайдиган асосий маскан бўлибгина қолмай, у мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. «Ижипшн газетт»нинг хабар беришича, университет ўқитувчилари ва студентлари бултур 20 дан кўпроқ йирик илмий асар тайёрлашди. Улар бу илмий асарларда Миср олдида турган бир қанча ўткир проблемаларни ҳал қилишнинг қулай вариантларини таклиф қилдилан. Масалан, Ал-файрм ва Кафр-эш-Шайх сингари катта шаҳарларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш лойиҳалари, Нил дельтаси районидаги тош йўл ва темир йўлларни модернизациялаш комплекси, саҳрода ўзлаштирилган ерларда вужудга келтирилиши лозим бўлган замонавий қишлоқларнинг типовой лойиҳалари юксак баҳога сазовор бўлди.

ИШДАН БЎШ ВАҚТДА

СОФИЯ. Шумен округида кейинги бир йил мобайнида 300 дан кўпроқ юқори малакали мутахассис маиший хизмат соҳасидаги ишга жалб этилди. Улар асосий ишдан бўш вақтларида ёки ўзларининг дам олиш кунларида қўшимча ҳақ эвазига аҳолининг буюртмаларини бажариб бермоқдалар. Хизмат кўрсатишнинг бундай формаси давлатга, аҳолига ва мастерларнинг ўзларига ҳам фойдалидир. Уларнинг ёрдами билан қисқа муддатда маиший хизмат турларини анча кўпайтиришга муваффақ бўлинди.

Округда маиший хизматнинг бошқа илғор методлари ҳам жорий қилинмоқда. Телевизорларни абонемент усулида ремонт қилувчи ательелар тармоғи кенгаймоқда, Кўчма устахоналар хизмати ривожлантирилмоқда. Қишлоқ аҳолисига кўпроқ қулайлик яратиш учун у ерларда комплекс қабул пунктлари очилмоқда.

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР

БУДАПЕШТ. Секешфехервар енгил қотишмалар комбинатида алюминийдан чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги қувватлар тантанали равишда ишга туширилди. Шу туфайли бундай маҳсулот ишлаб чиқариш 65 минг тонна, яъни бир ярим баравар кўпайди. Венгриянинг миллий байрами — мамлакат фашист босқинчилардан озод қилинганлигининг 39 йиллиги кунида янги цехларни ишга туширишга бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан ВХР саноат министри Л. Капойи алюминий ишлаб чиқаришда СССР мамлакатга катта ёрдам бераётганини уқтирди. Венгрия корхоналари Совет—Венгрия битими доирасида ҳар йили СССРга 330 минг тоннадан кўпроқ гилмоя етказиб бериб, унинг эвазига 170 минг тоннага яқин алюминий олмоқда.

Америка Қўшма Штатларида 11 миллиондан зиёд ишсиз бор. Уларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

СУРАТДА: Балтимор шаҳрига иш топиш умидида келган ишсизлар.

Л. Пахомова фотоси.

Чорасиз бўлгач...

АП агентлигининг фикрича, тирикчиликдан маҳрум этилган тахминан 4 минг кекса америкалик йил охиригача ўзини ўзи ўлдиради.

Америкада кўпчилик учун кексалик—қашшоқлик, очлик, эртанги кун учун доимо жон ҳовучлаб кун кечиришдан иборатдир. Яқинда газеталар Калифорния штатининг Беркли шаҳридаги кексалар уйидан ўнлаб кишилар ёппасига ҳайдаб чиқарилганлигини хабар қилди. Бу кишиларнинг жамғармалари тугаган, штат хазинасидан бериладиган озгина нафақа эса шу уйларнинг эгалари билан ҳисоблашишга етмасди. Хусусий «худойхоналар»да яшашнинг ҳар бир куни 40—50 долларга тушади.

Тўрт тилли луғат

1985 йилга бориб Нигерия миллий ассамблеяси аъзолари фақат инглиз тилидагина эмас, шу билан бирга Нигериянинг учта асосий тили—хауса, йоруба ва ибо тилларида мунозара юритишлари, қонунларни муҳокама қилишлари ва қабул этишлари мумкин бўлади.

Шу йилда махсус терминларнинг тўрт тилли луғати тузиб бўлинади. Шунингдек таржимонлар ва зарур техник ходимлар тайёрланади. Ҳозирги вақтда миллий тил маркази 8 мингдан кўп юридик терминни инглиз тилидан ана шу уч тилга таржима қилиб бўлди.

Касаллик сабаби

Америка ва Дания олимларининг текширувларига қараганда алкоголизмнинг таъсири ёмон оқибатларга олиб келиши яна бир бор исботланди. Янги махсус медицина асбоблари ёрдамида текширишлар натижасида 19 дан 30 ёшгача бўлган 48 нафар даниялик ёшларнинг ярмидан кўпи алкоголизм таъсирида ирсий касалланганлиги маълум бўлди. Уларнинг ота-оналари мунтазам алкоголь ичимликларини истеъмол қилиб келганликлари исботланди.

ҲАЙКАЛТАРОШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

У чорвадорлар оиласида дунёга келди. Ёшлигида чизмачиликка меҳр қўйди. Одамлар, чорвадорлар қиёфасини ёғочга ўйиб ишлади. Ўшандаёқ тасвирланаётган қиёфалар жуда жонли чиққанди.

Талант соҳибини Ленинградга ўқишга юборишди. 1956 йилда А. Даваацэрэн Ленинграддаги Н. Е. Репин номли рассомчилик, скульптура ва архитектура институтини тугаллади. У Монголияда биринчи олий маълумотли скульптор эди.

А. Даваацэрэн ўн беш йил мобайнида бадиий билим юртида дарс берди. Шу йиллари у кўплаб шогирдлар тайёрлаб берди. Шу билан бирга ёғоч, гранит, мармар, гипс, цемент, бронза ёрдамида ишлашни мукаммал ўрганиб олди. Уста томонидан яратилган юздан ортиқ монументаль скульптура асарларини музейларда, парк, майдон, санъат саройлари ва жамоатчилик бинолари олдида кўриш мумкин.

1978 йили Улан-Баторда бу талантли скульптор асарларининг виставкаси очилди.

Мана А. Даваацэрэн 20 йилга яқин вақт ичида сериялй скульптура портретлари устида иш олиб бормоқда. А. Даваацэрэн томонидан яратилган ҳар бир қиёфа ўз ички дунёсига эга. Уларни «Хаёллар оғушида», «Қўшиқ куйлаганда», «Ҳарбий хизматчи», «Суҳбатдошлар», «Иккиланиш», «Таажжуб» деб номлаш мумкин. Бу асарларнинг барчаси гипс ва ёғочдан тайёрланган.

30 йил давомида уста кўплаб таниқли кишилар, меҳнат қаҳрамонлари ва ҳарбий бошлиқлар образини яратди.

1980 йилнинг ёзида А. Даваацэрэн XX асрлар охирида Монголияда ишлаб, душманлар қўлида ҳалок бўлган совет врачи С. М. Немонинг скульптура портрети устида олиб бораётган ишини тугатди. Бу бронзадан ишланган бюст касалхона олдидаги постамент устига ўрнатиб қўйилган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА»НИНГ
ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ
(Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй)

ОБУНА НАШРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАГИ ЖИЛДЛАРИ БЕРИЛАЁТГАНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

КПСС қарорларда, 1, 2 жилдлар.
Катта Совет Энциклопедияси, Йиллиги, 1983 йил.
Аристотель, 4 жилд.
Ч. Айтматов, 2 жилд.
Катта Медицина Энциклопедияси, 21 жилд.
О. Бальзак, 5 жилд.
А. Беляев, 1 жилд.
Саргузаштлар кутубхонаси. 13, 14 китоблар (8 жилд — Хаггард, 10 жилд — Каверин).
А. Вознесенский, 1 жилд.
Жаҳон тарихи, 13 жилд.
С. Дангулов, 4 жилд.
Ч. Диккенс, 5 жилд.
Е. Евтушенко, 1 жилд.
Ҳайвонлар ҳаёти, 4 жилд.
В. Катаев, 1, 2 жилдлар.
М. Лермонтов, 3 жилд.
Л. Леонов, 6, 7, 8 жилдлар.
Математика Энциклопедияси, 4 жилд.
А. Мухтор (ўзбек тилида), 4 жилд.
Миртемир (ўзбек тилида), 3 жилд.
Магидович «Географик кашфиётлар очерклари», 2 жилд.
Н. Некрасов, 6 жилд.
А. Писемский, 4 жилд.
«Тафаккур қувончи» (рус тилида), 1 жилд.
К. Симонов, 9 жилд.
Мамлакатлар ва халқлар 16, 17 жилдлар.
А. Толстой, 5, 6 жилдлар.
Л. Толстой, 16 жилд.
И. Тургенев, 11 жилд.
К. Федин, 6 жилд.
Ҳ. Олимжон, 7, 8 жилдлар.
С. Цвейг, 3 жилд.
Органик химия, 4 жилд.

СОТУВГА БЕМАЛОЛ ҚЎЙИЛГАН:

Катта Совет Энциклопедияси, Йиллиги, 1976, 1981, 1982 йил.
Р. Фейнман «Физикадан лекциялар», 1 дан 8 гача жилдлар.
«Музика маданияти халқ университети» (грампластинкаларда).
«Инглиз геология терминлари мукаммал луғати, 1, 2 жилдлар (рус тилида).
Социалистик экономика тарихи, 1, 8 жилдлар.
К. Яшин (ўзбек тилида).
А. Мухтор (ўзбек тилида), 1—4 жилдлар.
«Ўзбек Совет Энциклопедияси», 5—14 жилдлар.
Вожатий учун кутубхона.
Физкультура ўқитувчиси учун кутубхона.

Магазинда нодир китобларни сотиб олиш ва сотиш бўйича нодир китоблар бўлими ишлайди. Телефон 44-57-41.

«Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси Қибрай комбинати томонидан берилган йўқолган 64620 номерли

ТОВАР-ТРАНСПОРТ НАКЛАДНОЙИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Главташкентстрой» қошидаги 4-уйсозлик комбинати 35-Қурилиш бошқармасининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Собир Раҳимов район пишчеторги экспедиторининг йўқолган

4-ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташплодоовошч» бирлашмаси 2-улгуржи-чакана савдо мева-сабзавотчилик комбинатининг йўқолган

ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор район пишчеторгининг йўқолган экспедитор № 21 ва экспедитор № 10

ТОВАР ШТАМПЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КОРХОНАЛАР ВА
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН
КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ
НАШРИЁТИ

конференция ва кенгашлар ўтказиш учун блокнотлар ва папкалар тайёрлаб беришга

БУЮРТМАЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Заявкалар почта орқали қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. Телефон 32-78-94.

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ
ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ (сонли программа билан бошқариладиган станоклар оператори), СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДАГИ МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИДА ЯШАЙДИГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини тугатганларга эгаллаган ихтисоси бўйича диплом берилади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот олганлиги ва касб эгаллаганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ҳар куни уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг маълум қисми берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий, ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида Тошкент политехника институти самолётсозлик факультетининг ва авиация техникумининг кечки бўлими мавжуд.

Билим юрти спорт базасига эга. Билим юртида спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ва халқ чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмлардаги 8 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 121 автобусларнинг «166-билим юрти» 3, 23 трамвайларнинг «Лисунов номли кинотеатр» бекатлари).

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ИССИҚЛИК МАГИСТРАЛИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ҚАТОРТОЛ КЎЧАСИ БЎЙЛАБ МУҚИМИЙ КЎЧАСИДАН ВОЛГОГРАД КЎЧАСИГАЧА БЎЛГАН УЧАСТКАДА ТРОЛЛЕЙБУСЛАР, АВТОБУСЛАР ВА МАРШРУТ ТАКСИЛАРИ ҲАРАКАТИ

ТЎХТАТИЛАДИ

6 ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ Оқтепа майдонидан Муқимий кўчаси бўйлаб юради ва шундан кейин иккала йўналишда маршрути бўйлаб ҳаракатни давом эттиради;

11-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ ҳаракати бутунлай ўзгаради: Қатортол кўчасидан чиқиб Волгоград, Пионер, Муқимий кўчалари бўйлаб юради ва шундан кейин маршрути бўйлаб ҳаракатини давом эттиради, қайтишда Муқимий кўчасидан чиқиб, Чилонзор, Волгоград, Қатортол кўчалари бўйлаб юради ва шундан кейин маршрути бўйлаб ҳаракатини давом эттиради.

34 «э» АВТОБУСИ МАРШРУТИ Қатортол кўчасидан чиқиб Волгоград, Ғафур Ғулом кўчалари бўйлаб Оқтепа майдонигача боради ва шундан кейин маршрути бўйича иккала йўналишда қатнайди;

21-МАРШРУТ ТАКСИСИ Қатортол кўчасидан чиқиб Волгоград, Халқлар дўстлиги, Муқимий кўчалари бўйлаб юради ва шундан кейин маршрути бўйича иккала йўналишда ҳаракатини давом эттиради.

«ГЛАВПАССАВТОТРАНС»

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

«СУВДА ЦИРК»

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ҚИЗИҚАРЛИ ПРОГРАММА КЎРСАТИЛАДИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 11, 15 ва 18.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАЛАРИ ИШЛАМОҚДА.

44-35-91 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

Кассалар соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ
БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
(клубда)
25, 26, 27 апрель
соат 16.30 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР
КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Институт адреси: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги 2-кечки-ишчи ёшлар мактаби томонидан **Ҳолиқова Матлуба Юсуповна** номига берилган 870215 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТЎҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ!

Бу мактаб-магазин саноат моллари кичик сотувчиларини ва контролер-кассирларни тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5—6 ОЙ.

Ҳар ойда ўқувчиларга 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Мактаб-магазинига ўрта маълумотли 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар қабул қилинади.

Мактаб-магазинини битирганларга саноат моллари кичик сотувчиси ёки контролер-кассир малакаси берилади ва улар Тошкент шаҳридаги савдо корхонасига йўлланма билан ишга юбориладилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, мактабдан характеристика, директор номига ёзилган ариза, 6х9 см. ҳажмидаги 2 дона ва 3х4 см. ҳажмидаги 2 дона фотосуратлар, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса).

Паспорт шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 18 гача қабул қилинади

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй (18, 20, 50, 54, 70, 75, 79 автобуслар, 6, 11, 13,19-троллейбусларнинг «Шуҳрат мактаб-магазини» бекати, метронинг «Чилонзор» станцияси).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ (телефон 76-39-54).

СОҒЛОМ ТИШ — МАРВАРИД ҚАБИ БЕБАҲОДИР!

ТИШ ПАСТАЛАРИ

СИЗНИНГ ТИШЛАРИНГИЗНИНГ СОҒЛОМ ВА ЧИРОЙЛИ САҚЛАНИШИДА ЁРДАМ БЕРАДИ
БОЛАЛАРНИ ТИШНИ ТОЗАЛАШГА ЎРГАТИНГИЗ.

Бир кунда икки марта қаттиқ ва иложи бўлса ихчам шчетка билан тишни тозалаш маъқул. Ўртача қаттиқлик, эластик ва яхши букиладиган синтетик толалардан қилинган шчеткаларни сотиб олиш тавсия этилади.

Тишларнинг пастки қаторини милкидан — пастдан юқорига, юқори қаторини эса тепадаги милкдан пастга, шундан кейин эса тишларни икки томонида майин ҳаракат билан тозалаш лозим. Тиш тозалаш камида 4—5 минут давом этмоғи керак.

ҚАНДАЙ ПАСТАЛАРНИ ТАНЛАМОҚ КЕРАК?

Қўлингизга дуч келган пасталарни сотиб олаверишга шошилманг. Чунки сизга ҳар қандай паста ҳам тўғри келавермаслиги мумкин. Сизнинг милкингиз ва тишларингизга монанд келадиган пасталарни сотиб олиш ўринли бўлади.

Агарда сизнинг милкингиздан қон симиллаб чиқадиган бўлса, «ЛЕСНАЯ», «МЯТНАЯ» пасталаридан фойдаланишингизга тўғри келади. Агарда тишларингиз нордон, ширин, иссиқ ва совуқни яхши сезадиган бўлса, ундай ҳолда «ЖЕМЧУГ», «АРБАТ», «ЧЕБУРАШКА» пасталаридан фойдаланиш маъқул бўлади.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА

«ЖЕМЧУГ», «МОСКОВСКАЯ», «МЯТНАЯ», «НУ, ПОГОДИ», «ЧЕБУРАШКА» ТИШ ПАСТАЛАРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» (телефон 53-51-28).

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«ЗЕНИТ—ТТЛ» КЎЗГУЛИ ФОТОКАМЕРАСИ

ФОТОСУРАТЛАРНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИЛИГИНИ ҚАФОЛАТЛАЙДИ

Бу фотоаппаратлар билан портретли ва манзарали суратларни муваффақият билан тайёрлаш мумкин. Агарда алмаштириладиган объективлар ва узайтириладиган ҳалқалар ишлатиладиган бўлса — чизмалар, қўлёзмаларнинг репродукцияларини тайёрлаш, майда буюмларни йирик планда, айрим буюмларни эса микроскоп билан ҳам суратга олиш мумкин.

«ЗЕНИТ—ТТЛ» фотоаппаратида «сакровчи» диафрагмали объектив ва электронли қурилма ўрнатилганлиги туфайли ишланаётган экспозицияни ғоятда аниқ ва равшан тайёрлаш мумкин. Бу айниқса рангли плёнкалар билан ишланаётганда жуда қўл келади.

Аппаратнинг бу афзалликларига яна бир неча соддалаштирилган фазилатларини ҳам қўшиш керак. Пленкаси содда зарядланади, перемоткаси қулай ўралади, ёриткичли лампа билан ишлаш учун синхронизатор ҳамда автоспуск ўрнатилган.

Баҳоси — 210 сўм.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-САВДО ТАШКИЛОТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

ЖУМА

13 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.45 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ўсмирлар ижоди».
20.05 «СССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар».
20.20 Хоккей бўйича «Швеция кубоги» халқаро турнири. ЧССР—СССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 «Сизни космонавтлар таклиф этади». Концерт.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 И. С. Бах. «Чакона». Гитарачи Н. Епес ижро этади (Испания).
19.05—20.30 «Улар йўлда учрашдилар». Бадиий фильм.
20.45 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестри чалади.
21.30 «Время».
22.00 Ҳужжатли фильмлар.
22.30 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «ЗИИ»—МАСК.
23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Еревандан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
19.00 «Анъаналар ва замонавийлик». «Бизнинг маҳалла».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ...» «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Эстония телевидениесининг программаси.
20.30 Ахборот».
20.50 «Бузилмас иттифоқ...» Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Эстония телевидениесининг программаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Қалб ила адо этилган парвоз». ЎзССР халқ артисти Гули Ҳамроева иштирокида балет кечаси. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган.
23.30 Янгиликлар.

ШАНБА

14 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Кенюль» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.05 «Музей портрети». Телефильм.
10.30 «Спортлото»нинг 15-тиражи.
10.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.10 Халқаро конкурслар лауреати Ю. Вострелов чалади (баян).
11.35 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
11.55 И. Брамс. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт.
12.35 «Улкан тақдир эгалари» туркумидан телефильм премьераси.
13.05 «СССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар».
13.35 «Ёдингдами, ўртоқ...»
14.35 «Цирк майдонида».
14.55 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.25 «Дунё воқеалари».
15.40 «Поэзия». А. Жаров.
16.10 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси.
16.50 Мультфильм.
17.45 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.15 «Ҳайвонот оламида».
19.15 «Фитнанинг учи қаерга бориб тақалади...» Ҳужжатли фильм.
20.05 «Экранда — кинокомедия». «Ўн иккинчи кеча».
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Ю. В. Силантьев ижодига бағишланган кўрсатув.
23.05 «Ҳосилни йиғиб олиш пайти келди». Телефильм.

● МТ II

14.10 СВЕРДЛОВСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.10 «Музикали киоск».
15.40 «Ака-ука Орбелилар». Телефильм.
16.30 «Здоровье».
17.15 «Ленинград баҳори» санъат фестивали.
18.45 Халқаро обзор.
19.00—20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист»—«Спартак». Харьковдан олиб кўрсатилади.
21.00 «ЦДКЖ» виолончелистлар ансамблининг концерт.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Минск). 2-тайм.
22.45 «Трускавецга ким боради». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Халқ оғзаки ижоди. Шоберди бахши Болта ўғли (такрорий).
11.30 Телевидение экранида биринчи марта. «Парвоз». Бадиий фльм. 1-серия (рус.).
12.45 «Тамарахоним». Фильм-концерт.
13.15 Мактаб ўқувчилари
«Светофор».
14.15 «Замандас». Қишлоқ
лиги ходимлари учун
тув (қозоқ тилида).
17.50 Кўрсатувлар програм
17.55 Мультфильм.
18.05 «Мўъжизалар олами
ҳат» (рус.).
18.55 Совет фани кунига б
ланган программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат».
кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш мавсуми кунд
22.25 Ўзбекистон ССР ва Ўзб
тон Компартияси
топганлигининг 60 йил
бағишланган республи
ластлари ва Қорақалп
тон АССР театрлар
телевизион фестивали
Левиев, Ҳ. Ғулом. «М
лик». Муқимий номли
Давлат музикали театр
спектакли.
00.15 Кўрсатувлар програм
● 18.00—21.30 ТОЖИКИСТОН
ЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
ГРАММАСИ.

Мурожаат учун а
Янгийўл шаҳри, Кир
алоқа бўлими. Телефо
7-69-14, 7-48-79.

Сергели район пишчет
коллективи магазин му
Р. Т. Тўхтаевга отаси
Тошмат
ТУХТАЕВнинг
вафот этганлиги муноса
билан чуқур таъзия
қилади.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-5
шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва
ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

13 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—09190. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11